



Урушнинг дастлабки кунларидаёқ ГАРбий чегаралардаги харбий кўшилмалар таркибида хизмат килаётган ўзбекистонликлар фашист боскинчиларга карши жангга кирдилар. Чегарада жойлашган Брест калъасининг 50 дан ортиқроқ миллатга мансуб жангчилари орасида ўзбеклардан Дониёр Абдуллаев, Бобохалил Кайюнов, Ахмад Алиев, Нурум Сиддиқов, Узок Ўтаев ва бошқалар бор эди. Улар калъа химоячилари билан елкама-елка туриб душманнинг катга кучларига карши қарийб бир ой давомида охириги томчи конлари қолгунча жанг қилдилар.

Ўзбекистонлик жангчилар қатаашган Брест, Смоленск, Киев, Одесса, Севастополь ва Ленинграднинг қахрамонона химояси фашистлар Германиясининг «Яшиндек тез уруш» қилиш режасига дастлабки зарба бўлди.

### **Ўзбекистонликлар Москва учун жангларда**

1941 йил куз-киш ойларида Москва остоналарида ҳаёт-мамот жанглари бўлди. Москва остоналаридаги ана шу дахшатли жангларда Ўзбекистонлик жангчилар ҳам сабот-матонат, юксак харбий маҳорат кўрсатдилар. Жанубий-Гарбий фронт таркибидаги 353-тоғ-ўкчи полки жангчиси Кўчкор Турдиев катта жасорат кўрсатди. У 1941 йил 25 октябрда сафдошлари билан разведкага, сўнгра «тил» олиб қелишга юборилди. Отишмада барча қуролдошлари ҳалок бўлган Кўчкор Турдиевнинг бир ўзи душманнинг бир ДЗОТини ва 9 аскар ва зобитини йўқ қилиб, 3 тасини асирга олиб қелди. Бу жасорати учун Кўчкор Турдиев ўзбекистонлик жангчилар орасида биринчи бўлиб Қаҳрамон унвонига сазовор бўлди.

Тошентда узок йиллар хизмат қилган генерал И.В.Панфилов Алмати шаҳрида туркистонликлардан дивизия тузди. Унинг командирлари таркибида Тошкент пиёда билим юрти ва Ўрта Осиё харбий округининг харбий-сиёсий билим юртида таълим олган 180 зобит бор эди. Генерал И.В.Панфилов дивизияси Москва остоналаридаги Волоколамск йўналишида каттик жанглар қилди. Дивизия жанг майдонида душманнинг 114 танкини, 26 минг аскар ва зобитларини, 5 самолёт ва бошқа қўплаб техникасини йўқ қилди.

Ўзбекистонда тузилган 258-ўкчи дивюияси аскарлари Москва остоналаридаги жангларда 9000 дан кўпроқ душманнинг аскар ва зобитларини ер тишлатиб, 137 аҳоли яшайдиган пунктларни озод этиб, биринчилардан бўлиб Ока дарёсига чикиб олади, кўплаб жанговар техникани кўлга туширадilar.

Москва химоячилари орасида ўзбек кизи Зебо Ганиева ҳам бор эди. 1942 йил 21 май кунигача 23 фашистни ер тишлатди. 16 марта разведкага бориб, душман тўғрисида кимматли маълумотлар олиб келди. Зебо Ганиева жасорати учун Кизил Байрок ордени билан мукофотланди.

Москва остоналарида ўзбекистонлик мерганлар - Исохов 354 фашистни, Абубеков 229, Юсупов 132, Мадаминов 123 фашист аскар ва зобитларини ер тишлатдилар. 1753 нафар ўзбекистонлик жангчилар «Москва мудофааси учун» медали билан мукофотландилар.

### **Ўзбекистонликлар Сталинград жангларида**

Ўзбекистонлиюр 62- ва 64-армиялар сафида туриб тарихий Сталинград жангида қахрамонона жанг килдилар. Жанглар авжига чиккан пайтда Сталинградга Самарканд ва Фарғонада тузилган 90- ва 94-ўкчи бригадалари етиб келиб жангга кирдилар. Бу бригадалар асосан ўзбек йигитларидан тузилган бўлиб, командирлари орасида С. Нуритдинов, В.Умаров, А.Муродхўжаев, Ф. Лорхўжаев ва бошқалар бор эди. 21-отлик аскарлар дивюиясининг жанговар рухда жанг килишида дивюия комиссари Муллажон Узоковнинг хизмати катта бўлди.

Ўзбекистонлик жангчилардан 2738 киши «Сталинград мудофааси учун» медали билан мукофотланди.

### **Ўзбекистонликларнинг «Туб бурилишга» кўшган хиссаси**

1943 йил ёзида Курск ёнида бўлган каттик жангларда Ўзбекистонда тузилган 62-ва 69-ўкчи дивизия жангчилари жасорат кўрсатдилар. Ўзбекистонликлар 5-ва 15-ўкчи дивизиялар ҳамда 5-гвардиячи ва 62-гвардиячи ўкчи дивизиялар таркибида ҳам жанг килдилар. «Орёл» дивизияси фахрий номини олган 5-ўкчи дивюия таркибида фарғоналик Ахмаджон Шукуров ҳам бор эди. Золоторёвка учун каттик жангларда Ахмаджон Шукуров матонат кўрсатди, душманнинг 110 та аскар ва зобитларини ер тишлатди ва 15 тасини асир олди. Бу жасорати учун унга Қахрамон унвони берилди ва Золоторёвка кишлоги ўша пайтдан бошлаб Шукуровка деб аталадиган бўлди. Курскдаги порлок галабадан сўнг Кизил Армиянинг 2000 км узунликдаги фронтда кудратли стратегик хужуми бопшаниб кетди. Днепрни биринчи бўлиб кечиб ўтганлар орасида Гиждувон туманидаги Лавзекарон кишлогидан чиккан старшина Вали Набиев, андижонлик Камбарали Дўсматов, коракалпоклик Худойберган Шонийёзов, шохриконлик

Шариф Эргашев, Бухородан чиккан Т.А.Тихонов ва бошқалар бор эди. Днепрни кечиб ўтишда, унинг ўнг киргогидаги истехкомларни эгаллашда кўрсатган жасорати учун жами 2348 жангчига, шу жумладан, 26 ўзбек йигитларига Кахрамонлик унвони берилди. Курскдаги галаба ва душманнинг Днепрдан улоктириб ташланиши натижасида жахон урушининг боришида туб бурилиш ясалди, харбий стратегик ташаббус душмандан батамом торгаб олинди. Сталинграддаги галаба Гитлер Германиясининг енгилиши мукаррарлигини кўрсатган бўлса, Курск ва Днепрдаги галаба немис фашист кўшинларини халокатга махкум этди.

Ўзбекистонлик жангчилар Ленинград камалини йўқ қилиш, Украина, Белоруссия, Молдавия ва Болтиқбўйи республикаларини душмандан озод қилиш учун бўлган жангларда ҳам кахрамонлик намуналарини кўрсатдилар. 1944 йил куз ойларига келганда душман мамлакатдан бутунлай хайдаб чиқарилди, СССР чегаралари тикланди.

### Ўзбекистонлик партизанлар

Душманни тор-мор этишда партизанлар ҳаракатининг ўрни ва роли катта бўлди. Урушнинг душман устунлик қилган дастлабки даврида бутун-бутун харбий қисмлар душман қуршовида қолиб қетди, қўплаб аскар ва зобитлар ноиложликдан асирга тушиб қолдилар. Харбий асирларнинг сони 5 млн кишидан ортиқроқ бўлиб, улар орасида минглаб ўзбекистонликлар ҳам бор эди.

Харбий асирга олинганлар орасидаги комиссарлар, командирлар биринчилар қаторида отиб ташланар эди. Қолганлари харбий лагерга ташланарди, уларга қаттиқ азоб берилар, оч-ялонғоч ортиқча юк, кераксиз ҳўранда, деб ўлдириб юборишар эди. Кейинчалик уруш душман ўйлаганчалик бўлиб чиқмагач, харбий асирлардан текин ишчи қучи сифатида фойдалана бошланди.

Душман босиб олган шаҳар ва туманлар аҳолиси Германияга хайдаб кетилди. Баъзи жойларда меҳнатга лаёқатли бўлган фуқароларни Германияга ишга ёллаб олиб кетишга ҳам уриндилар.

Германияга хайдаб кетилган совет фуқаролари сони 4 млн.дан ортиқ эди. Харбий асирлар, хайдаб кетилган фуқаролар Освенцим, Маутхаузен, Бухинвальд ва бошқа ўнлаб ўлим лагерларида сакланди, ҳўрланди ва қўплари ҳалок бўлди.

Душман ишга қилган туманлар аҳолисининг қамалидан чиқиб қолган ёки харбий асирликдан қочган жангчилар тоғларга, ўрмонларга яшириниб, партизанча қурашга ўтдилар.

Партизанлар ҳаракати Россиянинг гарбий ҳудудларида, Украина ва Белоруссияда кенг тарқалди. Партизанлар ҳаракати Марказий штаби тайёрлаб юборган харбий мутахассислар, разведкачилар партизанлар орасига бориб, уларни йирик-йирик отрядларга бириктириб, уюшган ҳолда душманга қарши қурашга сафарбар этдилар.

Душман қуршовидан чиқиб олган ўзбекистонлик жангчилар ҳам Россиянинг гарби, Украина, Белоруссия, Молдавия республикаларидаги партизан қўшинларида иштирок этдилар.

«Чекист» партизан отрядининг разведкачиси, қўркмас партизан Мамадали

Топиболдиевнинг номи Белоруссияда машхур бўлди. У душманнинг 67 аскар ва зобитларини йўқ қилиб, 180 тасини асирга олди. М.Топиболдиев кўрсатган жасорати учун Кахрамон унвонига сазовор бўлди. Белоруссиянинг Писарево кишлоғи ўзбек халқининг жасур ўғлони номига Топиболдиевка деб аталди. Гомель атрофидаги «Темир йўл уруши»да иштирок этган Жонибек Отабоев, Брянск атрофларида душманга тўсатдан зарба берган И.Мусаев, А.Хакимов, И.Косимов ва бошқаларнинг номлари уруш солномасидан ўчмас ўрин олди.

### Ўзбекистонликлар Европа халоскорлари

Ўзбекистонлик жангчилар Европа халқларини фашистлардан озод этишда ҳам фаол қатнашдилар.

Европа халоскори, биринчи ўзбек генерали, 57-гвардиячи дивизиясининг кўмондони Собир Рахимов Польшада шонли хотира қолдирди. Унинг дивизияси Кавказдан Шарқий Пруссиягача бўлган масофани каттик жанглар билан босиб ўтди. Кўрсатган ҳарбий жасорати учун у тўрт марта Кизил Байроқ ордени, Суворов ордени, Кизил Юлдуз ордени ва кўплаб медаллар билан тақдирланди. 1943 йил мартда унга генерал-майор унвони берилди. 1943 йил май ойидан 1944 йил апрелгача бўлган муддатда Москвада олий Ҳарбий Академияда таълим олди. Собир Рахимов Академияни тамомлаб, аввал Белоруссияни озод этишда, сўнгра Польшанинг Гнев, Староград, Дзяддово шаҳарларини озод этиш учун бўлган жангларда саркардаларга ҳос ҳарбий санъатини намойиш этди. 1945 йил 26 мартда Гданск шаҳрини озод этиш учун бўлган жангда қахрамонларча ҳалок бўлди.

Собир Рахимовга ўлимидан сўнг Кахрамон унвони берилди. Польша халқи генерал Собир Рахимов номини эъзозлаб келмоқда. Гданск шаҳридаги кўчалар, мактабларга генерал Собир Рахимов номи берилган.

Ўзбекистонликлар Европа мамлакатларида авж олган Каршилиқ кўрсатиш ҳаракатида ҳам фаол қатнашдилар. Улар душманнинг махсус лагерларидан қочиб, Чехославакия, Польша, Югославия, Греция, Франциядаги Каршилиқ кўрсатиш ҳаракатига қўшилиб жанг қилдилар. Самарқандлик Г.Г.Булатов отряди Польшада ўнлаб кўприкларни, темир йўлларни портлатди, душманнинг ҳарбий қисмлари ва жанговор техникаси ортилган эшелонларни ағдарди. 1944 йил ўрталарида Словакияда фашистларга қарши кўтарилган миллий кўзғолонда ўзбекистонликлардан партизан отряди командири В.Ф.Мельников, Р.Алламов, А.Нарзуллаев, Р.Хамроевлар иштирок этди. Югославияда кўрсатган жасорати учун фарғоналик Ўксанбой Холматов 3 март Югославиянинг мукофотларига сазовор бўлади.

Францияда 37 миллат ва элатларга мансуб 2200 совет ҳарбий асирларидан тузилган партизанлар полки А.А.Козарян кўмондонлигида француз партизанлари билан биргаликда жанг қилиб, Алес, Вильфор, Сен-Шели шаҳарларини, Гар ва Лозер департаментининг қишлоқларини фашистлардан озод қилдилар. Бу жангларда самарқандлик Абдулла Раҳматов, Булунгур туманидан Сарибой Шомуродов, тошкентликлар - Раҳмон Раҳимов, Насиб Амиров ва бошқалар фаол қатнашди.

Франциянинг жанубини озод этишда кўрсатган жасорати учун кўконлик Хошим Исмоилов, тошкентлик: Тожибой Зияев Жанна д'Арк крести ордени билан муокфотланди.

Ўзбекистонликларнинг каршилиқ кўрсатиш ҳаракатидаги иштироки Европа халқларининг фашистлар асоратидан ҳалос қилиш ҳаракатига кўшган муҳим ҳисса бўлди.

Душман ўта маккор эди. Ҳарбий асирлар ўртасида миллатларни бир-бирига қарши гиж-гижлаш қилиб чиқиши немислардан бўлган совет фуқароларини қулайлиқлар яратиш эвазига ўзига хизматкорликка олиш, совет ҳокимиятига нисбатан норозилик қайфиятида бўлган айрим мусулмон этник гуруҳларидан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳам уриниб кўрди. Роза бўлмаганларни очлик ва ўлим билан кўрқитар эди, бу усул асирларга кўпроқ ишлатиларди. Фашистлар Германия Вермахтининг 1942 йил декабрь ойидаги буйруғига биноан ҳарбий асирлардан «Рус озодлик армияси», «Туркистон легиони», «Волга-Урал легиони»

қаби ҳарбий кўшилмалар тузишди, улардан партизанларга қарши курашда фойдаланишди ҳам. Чет эл манбаларида бундай тузилмаларга жалб этилганлар сони оз эмас, кўп эмас, қарийб 1 млн. кишига етганлиги кўрсатилади. Бунга, эҳтимол, Сталиннинг асирликка тушиб қолганларни ватан ҳоинлари деб ҳисоблагани ҳам ўз таъсирини кўрсатган бўлиши мумкин. Ҳақиқатда эса кўпгина ҳарбий аскарлар бундай легионларга мажбуран қиритилган эди, улар яширин гуруҳлар тузиб партизанлар билан алоқа боғлаш йўлини қидирганлар. Масалан, 1944 йил январида Гитлерчилар «Туркистон легиони» отрядини Черногорияга югославиялик партизанларга қарши жангга солади.

Отрядларнинг бирида 28 ўзбек йигитлари - С.Файзиев, А.Ахмедов, З.У.Хусанов ва бошқалар бор эди. Зобит С.Файзиев маҳаллий аҳоли билан алоқа боғлайди ва унинг кўрсатмаси билан легиончилар фашист командирларини отиб ташлаб, қурол-аслаҳалари билан тоққа, партизанлар томонига ўтади. 1944 йил 25 май куни 28 ўзбекистонлик легиончилар Югославияда ҳаракат қилаётган болгар аскарлари батальонига қўшилиб кетади. Улар орасида жанг қилган тошкентлик З.У.Хусановнинг тақдири ибратлидир. У 1941 йилда Смоленскда ярадор бўлади, тузалиб сафга қайтади ва 1943 йил 5 июлда 228-ўқчи полки сафида қаҳрамонларча жанг қилиб оғир яраланади. Қуролдошлари у ҳалок бўлди, деб ҳисоблашади, уйига бу ҳақда хабар ҳам йўллашади, унга Қаҳрамон унвони берилади. Аммо жангчи ўлмай қолади, душман уни оғир ярадор ҳолда асирга олади, кейин «Туркистон легиони»га қиритади. Зиямат Хусанов ўртоқлари билан партизанлар томонига ўтади. Приеполь шаҳрида фашистларга қарши мардона жанг қилиб, кўпларини ер тишлатади. Ўзи ҳам оғир ярадор бўлади, дўстлари уни ўлди, деб ҳисоблашган эди. Йўқ, тирик қолган экан, бир маҳаллий аёл жангчини ўзига келтиради, Италиядаги ҳарбий қасалхонага жойлаштиришади. У тўрт марта операцияни бошидан кечиради, соғайгач, ўз юртига келади ва Қаҳрамон унвонига сазовор бўлганлигидан хабар топади.

Гитлерчи фашистларнинг совет ҳарбий асирларини ўз ватандошарига қарши уриштиришга қаратилган сиёсий найранги, «Туркистон легиони» тузишга ингилишлари ҳам барбод бўлади. Бироқ омон қолган асирларнинг тақдири ҳам оғир кечади. Улар ўз Ватанига қайтиб келгач, гумон остида бўлдилар, ишга жойлашишда, уй-жойли бўлишда қийналдилар. Ўзбекистонлик ҳарбий асирлардан 15 мингдан ортиқроғи яна лагерларга, энди совет ҳукуматининг лагерларига ташланди ва уларга шафқатсизларча муносабатда бўлинди. Бундай ҳоллар Сталин ва унинг атрофидагилар яратган ишонмаслик ва гумонсираш вазиятининг оқибати эди.

... Берлин учун каттик жанглар бўлди.

Кахрамонлар - Ботир Бобоев, Тожиали Бобоев, Солих Умаров, Шухрат орденининг тўлик кавалерлари Абдулла Тўкмоков ва Саид Номозовлар Берлинни забт этишда кахрамонларча жанг килдилар. «Берлинни олиш учун» медали билан ўзбекистонлик жангчилардан 1706 киши тақдирланди.

Фашистлар Германияси тор-мор этилди. Германия устидан қозонилган ғалаба учун медали билан 109208 ўзбекистонлик жангчи тақдирланди.